



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 12 июль, № 147 (8209)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУДУДЛАРДАГИ НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Президент
Шавкат Мирзиёев
11 июль куни ижтимоий-
иқтисодий ислохотларнинг
ҳудудлардаги
натижадорлиги таҳлили
бўйича йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимизда ислохотлар кириб бормаган соҳанинг ўзи йўқ. Хусусан, охириги 3 йилда барча ҳудудлар, соҳа ва тармоқларни ривожлантиришга доир 400 дан ортиқ Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳар доим “ўзгаришларни одамлар ўз ҳаётида сезсин”, дея талаб қўяди. Шунга мувофиқ, ислохотларнинг аҳоли ҳаётига таъсири ўрганиб борилмоқда.

Шундай комплекс ўрганишлардан бири яқинда Самарқанд вилояти мисолида ўтказилди. Сўровда қатнашганларнинг кўпчилиги ҳоким ёрдамчиларининг фаоллигини, таълим, соғлиқни сақлаш, интернет, жамоат транспорти соҳаларидаги силжишларни юқори баҳолаган.

Шу билан бирга, жойлардаги муаммоларни, ўзгариш сезилмаётган соҳаларни ҳам очик айтган. Жумладан, жойларда ер ва сувдан самарали фойдаланиш, электр, газ ва ичимлик суви етказиб бериш, ер ажратиш каби масалаларда камчиликлар мавжуд. Масалан, Самарқанддаги Халқ қабулхоналарига аҳоли ва корхоналарни электр энергияси, суюлтирилган газ ва кўмир билан таъминлашга оид 15 мингдан зиёд муносабатлар келиб тушган.

Йиғилишда туман ва шаҳарларда ислохотларнинг самарадорлиги, аҳоли ва тадбиркорлар кўтарган долзарб масалалар атрофича таҳлил қилиниб, таклифлар билдирилди.

Хусусан, маъмурий ислохотларни давом эттириб, давлат ходимлари сонини оптималлаштириш, маҳаллий бюджетларни тўғри йўналтириш зарурлиги айтилди. Қишлоқ хўжалигида ерга узоқ муддатли кафолат бериш, давлат аралашувини камайитириш, молия хизматларини яхшилаш талаб этилмоқда. Энергия ресурслари таъминоти, кадастр, йўл, коммунал хизматлар тизимлари ҳам тақомиллаштирилмоқда.

Президентимиз барча ислохотларни пастдаги бўғинларга боғлаб, уларни, авваламбор, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Самарқанд вилоятидаги ҳолат бошқа ҳудудларда ҳам борлиги қайд этилиб, ҳукуматга муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганиб бориш ва вақтида чора кўриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР БАРҚАРОР ВА ОРТГА ҚАЙТМАС МАЗМУНГА ЭГА

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЭКСПЕРТ, ЖАМОАТЧИЛИК,
ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ 1-2 ИЮЛЬ КУНЛАРИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОДИР БЎЛГАН
ВОҚЕАЛАРГА ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БАЁН ЭТАР ЭКАН,
МАМЛАКАТИМИЗ РАҲБАРИЯТИ ТОМОНИДАН ҚОНУНЧИЛИК ВА
ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ БИЛДИРМОҚДА.

Дунё нигоҳи

**Жанубий Кавказни ўрганиш
маркази раҳбари, сиёсат-
шунос Фарход Мамедов (Озар-
байжон)** Ўзбекистон Марказий



Осиёда минтақанинг барча мамлакатлари билан чегарадош ягона давлат эканига эътибор қаратиб, республика барқарорлигини издан чиқаришга уриниш бутун минтақага таъсир ўтказиши мумкин бўлганини таъкидлаган. Бундан манфаатдор бўлган кучлар ўзига хос тарих ва улкан ҳудудга эга, мамлакатнинг энг кам аҳолиси яшайдиган Қорақалпоғистонни танлаган. Худудда Орол денгизи қуриши туфай-

ли юзага келган турли муаммолар, хусусан, ишсизлик билан боғлиқ объектив қийинчиликлар мавжуд.

“Шу билан бирга, сўнгги беш йил давомида ҳудуд маҳаллий бюджетига бир миллиард долларга яқин маблағ йўналтирилди, — дейди эксперт. — Ишсизлик муаммосини ҳал этиш мақсадида корхоналар, қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этиш рағбатлантирилмоқда, инфратузилма лойиҳалари амалга оширилмоқда. Орол денгизининг қуриб қолган қисмида миллионлаб туپ дарактлар экилмоқда. Оролбўйи ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, экотизимини тиклаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича беш йиллик миллий дастур ишлаб чиқилмоқда.

Худуд собик совет давридан бери мавжуд бўлган муаммолар исканжа-сидан чиқмоқда. Айнан бундай саъй-ҳаракатлар натижалари Ўзбекистон етакчисига ташқаридан уюштирилган муаммони тезкор ва таг-туғи билан ҳал этиш имконини берди. Мамлакат

раҳбарияти ҳар қандай таҳдидга муносиб жавоб бериш учун сиёсий ирода, ресурслар ва энг муҳими, қонуний асосларга эга эканини намоён этди”.

Козон федерал университети кафедра мудири, Марказий Осиё тадқиқотлари институти илмий дастурлар директори, сиёсий фанлар доктори, профессор Андрей Большаковнинг (Россия) таъкидлашча, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Нукусга шахсий ташрифлари Қорақалпоғистондаги вазиятни тезкорлик билан барқарорлаштиришга имкон берди. Ўзбекистон раҳбари Конституциявий қонун лойиҳасидан Қорақалпоғистонга оид моддаларни олиб ташлаш фикрини илгари сурди ва парламент бу таклифларни қўллаб-қувватлади.

“Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳаси изчил ислоҳ қилиб келинмоқда, — деди эксперт. — Қорақалпоғистон Рес-



публикаси шу маънода жуда мураккаб ҳудуд ҳисобланади. Орол денгизининг



қуриши оқибатида юзага келган экологик муаммолар туфайли маҳаллий

аҳолининг қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш имкониятлари чегараланган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти мазкур вазиятни ўнглаш учун тизимли тарзда ҳаракат қилмоқда. Қорақалпоғистонда Устюрт газ-кимё мажмуаси, цемент заводлари, “Нукус-полимер” МЧЖ, телевизор, чангюткичлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, металл-конструкция заводи, тикувчилик фабрикалари каби қатор йирик мажмуалар фаолият юритмоқда. Уларнинг барчаси ички ва хорижий сармоялар жалб қилиш орқали янада ривожланмоқда.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН, ЯНГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ БИРГАЛИКДА БАРПО ЭТАМИЗ!

Бир гуруҳ фитначилар юртимизда тинчликни издан чиқариш, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг асрлар давомида шаклланган дўстлигига раҳна солиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида ноқонуний намоён бўлиш ташкил этишди. “Бузоқчинг югургани сомонхонагача” деганларидек, қора ниятли кимсалар ўзларининг қабих мақсадларига ҳеч қачон ега олмади муқаррар эди. Зеро, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг тарихий қардошлиги ва биродарлиги қадимда бошланиб, минг турли чиғирик ва синовлардан ўтган. Бундай мустақам дўстлиқни шу кунга қадар ҳеч қачон ва ҳеч қандай куч издан чиқара олмаган.

Акс садо

Тинчлик шундай бир неъматки, у бор жойда ривожланиш, тараққиётга йўл очилади. Еган ошнинг тотили бўлади. У бор экан ҳаловат бор. Аммо тинчликка раҳна солувчи, жамиятни издан чиқаришга уринувчи кучлар доим бўлиб келган. Айни кунларда Қорақалпоғистонда содир бўлган воқеалар бунга бир мисол. Юртимизда кечаётган сиёсий жараёндан фойдаланиб, баъзи бир ғаламис ниятли кучлар нотўғри, ёлгон ахборотлар билан тинч аҳолидан фойдаланишга ҳара-

кат қилганининг гувоҳи бўлдик.

Президентимиз Нукусга бориб, ҳамма масалага аниқ-тинч эким айтди. Конституциявий ислохотлар фақатгина халқнинг хо-ҳиш-истагига қараб амалга оширилишини таъкидлади. Бўлди, бу мавзуда ортиқча гап-сўз, масалага ўрин йўқ. Мавзуга нуқта қўйилди. Адолатли ва тўғри қарор қабул қилинди. Бугунга биз бир нишот бўлсак, орамизга ҳеч ким ғаламис ниятли кучлар нотўғри, ёлгон ахборотлар билан тинч аҳолидан фойдаланишга ҳара-

Кейинги 5-6 йил ичида Қора-

қалпоғистонда юз берган ижобий ўзгаришлар жуда катта: кўп янги корхоналар, обод шахрлар, қишлоқлар, маҳаллалар бунёд бўлди, Орол денгизининг қуриб қолган қисми ўзлаштирилмоқда, янги Мўйноқ яратилди, Нукус шаҳри ободонлаштирилмоқда, қорақалпоқ тили, маданияти, санъати, таълим тизими, фани ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда ҳам елкани-ел-мақа қўйиб, 2022 — 2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш назарда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан янги Ўзбекистонда янги йўлдаги ислохотларни халқ билан бамаслаҳат ва биргаликда амалга ошириш муҳимдир.

Қаранг, охириги беш йилда ҳудуднинг маҳаллий бюджетига қарий 11 триллион сўм маблағ йўналтирилибди. Қачон шунча маблағ берилган? Ҳеч қачон! Бу ерда ўнлаб саноат корхоналари ишга туширилди. Болалар боғчалари, мактаблар, олийгоҳлар, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт масканлари фойдаланишга топширилди.



2-3

Мулоқот

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ МОҲИАТИ ТУШУНТИРИЛДИ

Маълумки, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жорий йилнинг 15 июлига қадар узайтирилди.

Айни кунларда жойларда Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбир, учрашувлар ва давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты О. Отахонова ва Ф. Ашматовлар иштирок этди.

Халқ вакиллари Конституцияга киритилаётган



3

Дил сўзи

ҚАДРИ УЛУҒ, САВОБИ БИСЁР АЙЁМ

Қурбон ҳайити ўзининг таровати, фазилатлари билан халқимиз кўнглидан чуқур жой олган. Шу боис бу байрам асрлар синовидан безавол ўтиб, миллий қадриятларимиздан бирига айланиб кетган.

Президентимизнинг халқимизга Қурбон ҳайити табриги улғу айёмнинг шуқуни янада бойитди. Барча мўмин-мусулмонларга янада қувонч улашди.

Байрамнинг биринчи куни мамлакатимиздаги жоме масжидларда эрта тонгдан ҳайит намози ўқилди. Дуоларимизда Аллоҳ таолога мана шундай муваффақиятларга етказгани учун шуқороналар айтдик. Яратгандан юртимиздаги тинчлик-тотувлик, файзу баракани бардавом ва барқарор этишини сўрадик.

Дарҳақиқат, Президентимиз табригида таъкидланганидек, ислом дини, аввало,

тинчлик, эзгулик ва инсонийлик динидир.

Муқаддас Қуръони каримнинг юздан ортиқ оятларида тинчликка чақрилган, хусусан, “Бақара” сурасида: “**Эй, имон келтирганлар! Ёппасига тинчлик ишига киришингиз!**” дея марҳамат қилинган.

Озод ва обод, тинч-тотув юртга байрамлар ярашади. Кўнглида ҳаловат бўлмаса, инсонга ҳеч нарса татимайди. Шуни ҳисобга олиб, ҳайит намозлари ўқиладиган барча масжидларда зарур чора-тадбирлар кўрилади.



3



БОЗОР, НАРХ, ИНСОФ ВА БАРАКА...

Бугуннинг гапи

Бозор — бу жуда кўҳна тушунча. Азалдан ва ҳозир ҳам бозорда учта омил устуворлик қилган: нарх, инсоф ва барака. Қачонки нарх инсоф билан қўйилса, бозорда барака бўлади. Юсуф Хос Ҳожиб айтадики, “савдо-сотикда кимки рост бўлса, феъли тўғри бўлса, зарур бўлганда унга мол топилимай қолмайди”.

Халқимизнинг улуг шоири ва мутафаккири Алишер Навоий маънавий комилликка интилмаган, инсонийлик моҳиятини чуқур англаб

етмаган қосиб-хунармандларни танқид қилиб, “бозорда савдогар қосиб — тангрига хоин ва ваъдага қосиб. Бирга арзирни юзга сотмоқдин аларга минг мубохот, мингга тегарни юзга олмоқдин йўқ зарра уёт. Ростлик била савдо аларга зиёнкорлик ва ваъдага вафо аларга бадкорлик”, дейди.

Жаҳон адабиётининг буюк намояндаларидан бўлиши бобокалонимиз куюниб қаламга олган ҳолат бугун ҳам бозорларимизда учраб турибди.

Олибсотарлик ва чайқовчилик бозор мувозанатига таъсир этаётгани ёлгон эмас. Айниқса, дунёнинг айрим минтақаларида уруш ва можаҳорлар туфайли рўй бераётган иқтисодий тақчилликлар, глобал иқтисодий инқироз таъсирида бозорларимизда нархлар эркинлашишдан фойдаланиб, товарлар устига 2-3 баравар нарх қўйиб сотадиганлар ҳам афсуски орамизда борлиги рост.



4

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР БАРҚАРОР ВА ОРТГА ҚАЙТМАС МАЗМУНГА ЭГА

Масалан, сўнгги 5 йилда Ўзбекистон ушбу ҳудудга 1 миллиард долларга яқин сармоя киритди. Мамлакатнинг барча вилоятларида бўлгани каби бу ерда ҳам мавжуд қийинчиликларга барҳам бериш ва тараққиётни таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Худудда кичик бизнес ривож топмоқда, ижтимоий нафақалар тақдим қилинмоқда, тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси ҳал этилмоқда. Ўзбекистон ҳукумати, айниқса, Қорақалпоғистоннинг иш ўринлари етарли бўлмаган туманларини ривожлантиришга интилоқда.

Шунингдек, профессор Андрей Большаков Қорақалпоғистонда содир бўлган воқеалар Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ва тизимли ислохотларни тўхтата олмаслигини таъкидлади. Мамлакат аҳолиси, миллати ва этник ҳодидан қатъи назар, янгиланишлар жараёнини қўллаб-қувватламоқда. Бу эса Ўзбекистондаги конституциявий ислохотлар ва бутун модернизация жараёнининг муваффақияти учун ўта муҳимдир.

Тожикистон Миллий Фанлар академияси Осиё ва Европа мамлакатлари институти катта илмий ходими Виктор Кимнинг қайд этишича, Қорақалпоғистонда содир бўлган воқеалар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар барқарор ва ортга қайтмас мазмунга эга эканини, ҳеч қандай бузғунчи қушлар янги Ўзбекистон қуриш бўйича ижобий жараёнга ҳалақат бера олмаслигини кўрсатди.

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мунтазам тарзда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”лигини таъкидлаб келади. Мамлакат ҳукуматининг сўнгги йиллардаги барча амалий ҳаракатлари айнан шу мақсадни амалга оширишга қаратилган, — дейди эксперт. — Замонавий Ўзбекистон — бу марказда ҳам, олис ҳудудларда ҳам бир хил турмуш даражасини таъминлашга эришаётган давлатдир. Қорақалпоғистон мисолида ҳудудлар сўнгги йилларда қандай ижобий томонга ўзгарганини кўриш мумкин. Нафақат ҳудуд қиёфаси ўзгариб, янги бинолар ва йўллар қурилди, шаҳар ва қишлоқларнинг обод қиёфасига эришилди, балки жамият, оила, инсон ҳаётининг барча жабҳасида сифатли ўзгаришлар рўй берди. Сўнгги беш йилда ҳудудга қарийб 11 триллион сўм маблағ йўналтирилди, 65 минг оилага, жумладан, ногиронлиги бор болалари 16 ёшга бўлган 17 минг оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳар йили янги иш ўринлари, хусусан, замонавий қишлоқ ҳўжалиги кластерлари, қўша корхоналар ташкил этилмоқда.

Давлат экологик тизимни тиклашни энг муҳим вазифа деб билмоқда. Орол денгизи минтақаси нафақат Ўзбекистон, балки халқаро ҳамжамиятнинг долзарб муаммосидир. Ўзбекистон раҳбари юқори халқаро минбарлардан туриб, ушбу минтақавий муаммони биргаликда ҳал этиш зарурлигини асослаб бермоқда.

Ўзбекистонда 2022 йилга келиб янгиланишлар суръати шу даражага етдики, ижобий ўзгаришлар орқага қайтариб бўлмас мазмун касб этди, янги Ўзбекистон қурилиши эса ҳозирда ноқ ҳақиқатга айланди. Мамлакатда ислохотлар ривожининг янги босқичига ўтиш учун эришилган муваффақиятларни конституциявий ҳақдан мустаҳкамлаш зарурияти пайдо бўлди. Шу боис Ўзбекистон раҳбари 2021 йил декабри ойида мамлакатнинг амалдаги Конституциясини янгилаш ташаббуси билан чиқди. У илгари амалда бўлган “Давлат — жамият — шахс” тамойилини янги “Инсон — жамият — давлат” тамойилига алмаштиришни ўта муҳим, деб ҳисоблайди. Иқтисодий ислохотлар жараёнида эса инсон манфаатларини таъминлаш асосий мезон бўлиши керак.

Ўзбекистон Президентининг июль воқеаларига текоз муносабати республикада барқарорлик, тинчлик ва тотувлиқни сақлашга қаратилган ижобий ўзгаришлар учун танланган йўналиш ўзгармаслигининг яна бир бор тасдиғи бўлди. Давлат раҳбари Қорақалпоғистоннинг тақдирини Ўзбекистон тақдирини, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги бутун ўзбек халқининг бахти ва фаровонлиги эканини алоҳида таъкидлади.

Жорж Вашингтон университети Халқаро муносабатлар мактаби профессори Жеймс Дурсо (АҚШ):

— АҚШ ҳукуматининг Нукусдаги воқеаларга муносабати Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашни яққол тасдиқлади. АҚШнинг Марказий Осиё бўйича стратегиясида минтақа давлатларининг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига устувор аҳамият берилди.

Қорақалпоғистон мамлакат Президенти учун доимо устувор ҳудуд бўлиб келган. Қорақал-

поғистон Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайлангандан кейин ташриф буюрган биринчи ҳудуд бўлди. Сўнгра экологик ҳалокатга учраган ҳудудни ривожлантиришга қаратилган Орол минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил этилди. Президентнинг нотинчлик бошланган куннинг эртасигаёқ Нукусга одамлар билан мулоқот қилиш учун учиб келгани, албатта, давлат раҳбарининг ҳудуд ахли ҳақидаги ғамхўрлигини, қорақалпоқ халқига бўлган эътиборини ифодалайди.

Давлат раҳбариятининг мазур воқеаларга очик муносабати, албатта, бутун Ўзбекистон, жумладан, Қорақалпоғистон аҳолисининг ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Суриштирув ишларини очик ва холис ўтказиш ҳам бунда аҳамиятлидир. Ўзбекистон ҳукумати сайлов натижаларини тўғридан-тўғри эфирга узатиш тахрибасига эга. Бундай муносабат ўтган йилги Президент сайловида ҳам намойиш этилди. Демаки, очик жараён олиб бориш учун яхши мисол бор.

Питсбург университети профессори, Жамоатчилик ва халқаро муносабатлар мактаби Халқаро тараққиёт дастури директори Женнифер Муртазашвили

“Foreign Policy” журналида чоп этилган мақоласида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев илмий иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириб, мамлакат чегараларини очгани, валютани либераллаштиргани, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаганини таъкидлаган. Шунингдек, у мазкур ислохотлар иқтисодий ўсишнинг юқори даражасини таъминлаб, дунё мамлакатлари билан икки томонлама муносабатлар мустаҳкамлашни шароитида янги ҳорижий инвестициялар жалб этганини таъкидлаган.

Мутахассис Президент Қорақалпоғистонга йирик миқдорда сармоялар киритгани, ушбу маблағлар Нукус шаҳри билан чекланиб қолмагани, балки Мўйноқ, Қўнғирот, Тўртқўн каби шаҳарларга етиб борганига алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, нашрда Мўйноқ шаҳри тоза ичимлик суви билан таъминлангани, маҳаллий аэропорт фаолияти қайта тиклангани маълум қилинган. “Сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда илгари бирон-бир киши башорат ҳам қила олмаган янгиланиш даври юз берди”, деб қайд этган эксперт.

Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси Фредерик Старр (АҚШ) кутимлаганда юзага келган инқироз ижобий ўзгаришларга айланиши мумкинлигини таъкидлаган. Чунки бугунги кунда Ўзбекистонда барча соҳада фаол ислохотлар олиб борилмоқда. “Мамлакат ислохотлар жараёнида фаоллик кўрсатмоқда. Шундай экан, институционал ислохотлар ҳам, инвестициялар жалб этиш истикболи ҳам равшан. Бу сайё-ҳаракатлар давлат секторини ҳам, хусусий секторни ҳам қамраб олишига ишонаман”, деди профессор.

“Ўзбекистон аниқ натижаларга олиб келадиган прагматик ва амалий ечимлар қабул қилади, деб ҳисоблайман. Бироқ бу жараён катта эътибор ва вақт талаб этади”, деб таъкидлади америкалик эксперт.

Фредерик Старрнинг ургулашича, “Ўзбеклар ва қорақалпоқлар юзлаб, минглаб йиллар давомида ёнма-ён, бирга ашаб келмоқда. Бу эса содир бўлган қайғули воқеани ўтмишда қолдириш учун зарур бўлган барча янги ижобий ўзгаришларга асос бўла олади”.

Покистоннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси (2013 — 2018 йиллиги) Пукистон Ташқи ишлар вазирлиги, ҳукумарида Ташқи ишлар кенгаши аъзоси Рибз Бухорийнинг

сўзларига кўра, “алданган ва нотўғри маълумотлар таъсирига тушиб қолган ёшлар ўз хатосини тезда тушуниб етади”.

“Ўзбекистон бу вазиятдан янада кучлироқ бўлиб чиқишига ишонаман, — дейди эксперт. — Ўзбек биродарларимизга Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида порлоқ келажақ, бирдамлик, тинчлик ва фаровонликка эришишини тилайман”.

Жанубий Осиё тадқиқотлари ва халқаро муносабатлар маркази президенти Саид Амир Жаффри (Покистон):

— Қорақалпоғистондаги воқеалар ортда минтақавий ва Евроосиё интеграциясини мустаҳкамлашни истамайдиган, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги минтақавий ўзаро

боғлиқлик лойиҳалари, Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси амалга оширилишига тўқсинлик қилаётган кучлар турибди.

Покистонлиқлар Ўзбекистон раҳбариятининг сайё-ҳаракатларини ва мамлакат Президентининг Нукусда билдирган муҳим фикр-мулоҳазаларини, шунингдек, Қорақалпоғистонда фақуллода ҳолат ҳорий этилганини қўллаб-қувватламоқда.

Амалга оширилган чора-тадбирлар қисқа вақт ичида вазиятни барқарорлаштириш имконини беради.

Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир туманида қизилмия илдизини экиш, етиштириш, қайта ишлаш ва халқаро бозорларга экспорт қилиш лойиҳасини амалга ошираётган **“Issa Global Pte. Ltd” компанияси (Сингапур) директори Юсуф Муҳаммад:**

— Нукусдаги воқеаларни юрагимдаги дард билан қабул қилдим. Биз ўз таърибамиздан биланмики, бу хол Қорақалпоғистоннинг ҳалол, меҳнаткаш ва ўта очик фуқаролари билан содир бўлиши мумкин эмас эди. Бу эса Нукусда бир гуруҳ босқинчилар ҳаракат қилгани, улар ташқаридан бошқариб турилгани, қонунга зид тўқнашувлар уюштиргани, жамиятни парчалаш, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш мақсадида давлат ҳокимияти органларининг биноларини зўравонлик билан эгаллашга уринишлар қилганидан далолат бериб турибди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича кўрган тезкор чора-тадбирлари, Нукус шаҳрига амалга оширган ташрифлари, фаоллар, Жўқорги Кенгес депутатлари, кекса авлод вакиллари, қатор тураржой даҳаларидаги аҳоли билан учрашувлар ўтказгани самарасида иттиҳорларнинг нокунуний ҳаракатларига чек қўйилди, кўп миллатли халқнинг тинч ва фаровон ҳаёти тикланди, деб таъкидламоқчиман.

Биз Қорақалпоғистондаги тинч ва хавфсиз вазиятдан келиб чиқиб, республиканинг порлоқ келажакига ишонамиз ва компаниянинг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтириш бўйича режаларимизни амалга оширишда давом этамиз.

Холон технология институти президенти, профессор Эдуард Якубов (Исроил):

— Ўзбекистонда туғилиб, ушбу заминда қарийб қирқ йил яшадим. Ўттиз йилдан ортқ вақтдан бери оилам билан республикадан ташқарида истикомат қилмаман. Мен Ўзбекистонни жуда яхши кўраман, унга чин дилдан интиламан ва унинг муваффақиятларидан доимо хурсандман.

Бугунги кунда “Инсон — жамият — давлат” каби асосий тушунчалар биринчи ўринга чиқмоқда. Гап шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва унинг ҳар томонлама ривожланиш шарт-шароитлари, жамиятнинг шахс олдидаги роли ва масъулияти, давлатнинг шахс ва жамият олдидаги бурчи ҳақида бормоқда. Ушбу асосий тушунчалар ўртасидаги уйғунлиқни топиш, ҳаётни ҳар томонлама яхшилаш учун манфаатлар мувозанати векторидан фойдаланишга эришиш лозим. Айнан мана шу фундаментал омиллар мамлакат Асосий Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон халқи Бош қомусга киритиш тақлиф этилаётган ўзгаришларни очик муҳокама қилиш, шунингдек, бу борадаги тақлифларини билдириш имкониятига эга. Бу умумэтироф этилган демократик қоидалар доирасида, очик ва ошкора амалга оширилмоқда. Республика фуқароларининг аксарият қисми айнан шундай имкониятдан фойдаланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида инсонлар қурбон бўлишига олиб келган зўравонлик ҳаракатлари ва тартибсизлиқлар мамлакат Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритишнинг тинч, амалий ва қонун доирасидаги мувозанатли муҳокама жараёнида қутилмаган воқеа бўлди.

Ўзбекистон халқларининг тарихи бағрикенглик, яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлашнинг ажойиб намунасидир. Доно оқсоқоллар барча низо ва муаммоларни фақат тинч йўл билан, уларнинг сабаб ва оқибатларини чуқур таҳлил қилиш орқали, эзгу ният ва тоза фикр билан ҳал этишга чақириб келган. Бу, истисносиз, минтақадаги барча халқлар учун ўрнатилган арийдиган қадриятдир. Барчани, азиз ватандошларим, дўстларим ва ҳамкасбларимиз Ўзбекистонимиз, янги обод Ўзбекистонимизни асраб-авайлашга ва мустаҳкамлашга қақираман!

«Дунё» АА.

Яъни “Инсон қадри учун” деган эзгу ғоя асосидаги ислохотлар Қорақалпоғистонда яққолроқ бўй кўрсатяпти. Хусусан, шу йилнинг ўзида 476 км. ичимлик суви тармоғи ва 20 та сув иншооти қурилади ҳамда реконструкция қилинади. Натижада суви узокдан ташиб келаётган 28 та маҳалланинг 48 минг аҳолиси ичимлик суви билан илк бор таъминланади, шунингдек, 54 минг аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда эса сув таъминоти яхшиланади.

2022 йилдан бундай тадбирларни молиялаштиришда муҳим бир янгиллик жорий этилди. Яъни шаҳар ва туманлар бюджети харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириш ва бу маблағларни аҳоли муаммолари ечимига сарфлаш тартиби қўлга кирди. Худудларни ривожлантиришда маҳаллий ҳокимият органларининг ролини кескин оширишга хизмат қиладиган бу ислохот натижасида жорий йилнинг ўзида Қорақалпоғистонда қўшимча 100 млрд. сўм маблағ пайдо бўлади. Бу эса республикада узок йиллар давомида йилган муаммоларни бар-тараф қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банклари оғир аҳволдаги 21 қишлоқ ва овулни обод қилиш, спорт майдончалари, ҳаммом, маҳал-




рот, Шуманай, Қораўзак, Қонлиқўл, Кегейли ва Чимбойда бўш турган давлат объектларини тадбиркорларга сотишда аукцион савдосида бошланғич нарх баҳолаш қийматининг 50 фоизи миқдориди белгиланади; тўловлар 2 ой ичида тўлиқ тўлаб берилса, 20 фоиз миқдориди чегирма берилади. Тўловларни бўлиб-бўлиб тўлашга ҳам рухсат бор. Бу тартиб қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини сотиб олишга ҳам таъбиқ этилади.

Худудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун катта миқдорда инвестиция зарурлиги тайин. Шу боис бу вазифа давлат раҳбари-

ларда бажариладиган жами 1,8 млрд. долларлик 1,5 мингдан ортқ лойиҳалар шакллантирилди. Натижада 42 мингдан кўпроқ иш ўрни яратилди, бундан аҳолининг фаровонлиги ошди.

2022 йилда ҳудуд иқтисодиёти ривожига кучли туртки берадиган, қиймати 900 млн. долларга яқин 7 та йирик объект қурилиши бошланди. Жумладан, Беруний ва Қораўзакда Саудия Арабистонининг 108 млн. долларлик тўғридан-тўғри инвестицияси эвазига қуввати 100 МВт бўлган шамол электр станцияси қурилади. Бирлашган Араб Амирликлари компаниясининг

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН, БИРГАЛИКДА



нинг алоҳида эътиборида турибди. Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йилги сэйловолди учрашув

180 млн. доллар сармояси ҳисобига Қўнғирот сода заводи қуввати 2 баравар оширилиб, 450 минг тоннага етказилади.

Қораўзакда Тебинбулоқ қони неғизиди тоғ-кон металлургия комбинати ташкил этилса, Зангибобо тоғларида мис кластери йўлга қўйилади. Қўнғиротда йиллиги 120 минг тонна поливинилхлорид (ПВХ) ишлаб чиқариш заводи ҳамда лойиҳа қиймати 150 млн. долларлик газ-кимё кластери ишга туширилади. Мазкур кластер йиллиги 80 минг тонна су-юлтирилган газ, 24 минг тонна цирконий ва 8 минг тонна метанол ишлаб чиқариш қувватига эга.

Қорақалпоғистонни ривожлантириш жараёнида иштирок этаётган вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳам ўзлари масъул этиб белгиланган шаҳар ҳамда туманларда жами қиймати 524 млн. долларлик 318 та янги лойиҳа бўйича ишларни бошлашди, натижада 18 мингдан зёйд иш ўринлари яратилади. Масалан, наманганлик дастлабки олти нафар тадбиркор Қораўзак туманида ер олиб, терак ва манзарали дархат қўчаларини экишди. Наманганлиқлар жами 10 минг гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқчи. Саноат ва бошқа йўналишларда ҳам 17 та лойиҳа тайёрланди. Натижада 875 та янги иш ўрни яратилади. Наманганнинг “Art soft”, “Ideal”, “Adim”, “Чуст текстиль”, “Наманган пахта текс”, “Ифтихор қийим саноат”, “Тўқимачи саноат текстиль” корхоналари ҳам-корлигида Қораўзак туманида тикувчилик корхонаси яратилди. Унда қораўзаклик 300 нафар аёл иш билан таъминланди.

Андижон вилоятининг “Кетгекс кластер” корхонаси Кегейли туманида 29 млн. долларлик 7,5 минг

ҳамда жорий йилги ташрифи чоғида Қорақалпоғистоннинг шаҳар, туман, Мўйноқ, Тахтақўпир, Бўзатов, Қўнғи-



тонна пахта толасини қайта ишлаш, 6 минг тонна калава ип, 6 минг тонна мато тўқиш, 3,3 млн. донга тайёр кийим ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга туширади ва 1000 та янги иш ўрни яратади.

Сирдарё вилоятининг “Бест сан ойл” корхонаси Қонликўл туманида 20,5 млн. доллар инвестиция киритиб, йилга 10 минг тонна моили экинларни қайта ишлаш корхонаси ташкил этади ва 500 та янги иш ўрни очилади. Тошкент шаҳрининг “АКФА Ассэмбли” корхонаси томонидан Нўкус шаҳрида қиймати 6 млн. доллар бўлган, йилига 300 минг квадрат метр замонавий эшик ва ромлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа шу йил декабрда ишга туширилиб, 230 та иш жойи яратилади. Бундай миқдордан жуда кўп.

Худудни ривожлантиришда маҳаллий-лаштиришнинг ҳам ўрни бор. Уни рағбатлантириш мақсадида махсус жамғарма тузилади. Жамғармадан импорт ўрнини босувчи махсулот ишлаб чиқарган ва самарали ишлайётган маҳаллий тадбиркорларга субсидия ҳамда солиқ имтиёзлари берилади. Қорақалпоғистон иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини оширишда қишлоқ хўжалигининг аҳамияти беқиёс. Шу йилнинг ўзида аграр соҳада 20 мингга доимий ҳамда 78 мингга мавсумий иш ўрни яратиш чоралари ишлаб чиқилган. Жумладан, 2022 йилда илгари муомаладан чиқиб кетган 37 минг гектар майдонни қайта

дан ўқитувчилар малакасига боғлиқ. Бахтга қарши, Қорақалпоғистонда узоқ йиллар давомида бу масалага етарли эътибор берилмади. Натижада бугун тизимдаги 37 минг 300 нафар ўқитувчининг ярами умуман малака тоифасига эга эмас. Атиги 4 фоиз ўқитувчи олий малакали ва 2 минг 600 нафар ўқитувчи ўрта махсус маълумотли. Аҳволни ўнглаш учун Қорақалпоқ давлат университети ва Нўкус давлат педагогика институти ҳузурида “Мобиль методик гуруҳлар”ни тузиб, йил якунигача 85 та мактабда манзилли ишлар ташкил этилади; педагоглар ва мактаб директор-

ри томонидан Қорақалпоғистон тиббиётига тенд қўйиш, эндопротезлаш, тўгма нўқсонларни операция қилиш каби даволаш усуллари жорий этилди. Эндиликда буйрак кўчириб ўтказиш операцияси нафақат Нўкусда, балки туманларда ҳам ўтказилмокда. Масалан, 2022 йилнинг февраль ойида илк бор туман даражасида, яъни Беруний туманида 2 та шундай операция амалга оширилди.

Кискача айтганда, Қорақалпоғистон заминида олиб борилаётган ислохотлар тобора кенг қулоқ ёймокда. Шубҳа йўқки, улар республиканинг ижтимоий-иқтисодий



Янги қорақалпоғистонни барпо этамиз!

ўзлаштиришнинг уддасидан чиқилади. Умуман олганда, бириктирилган вилоятлар келгуси уч йил давомида 92,5 минг гектар ерни муомалага қайтариши мўлжалланмокда. Бунинг натижасида ўн минглаб янги иш ўринлари яратилади ва камбағалликни қисқартиришга катта ҳисса қўшилади.

Аграр соҳада яна бир янглик бошланяпти. Пахта ва ғалла майдонлари ҳисобидан 8 минг гектарни бир ой муддатда танлов асосида, биринчи навбатда, “темир дафтар”даги эҳтиёжманд аҳолига шаффоф механизм асосида ажратиш амалга оширилади.

Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг энг йирик шолиқчил маҳсанларидан бири ҳисобланади. Худуд шоликорлари етиштираётган гуручлар ҳатто қўшни давлатларда ҳам маълум ва машҳур. Аҳолини иш билан таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда ҳам шоличиликнинг ўрни баланд. Шунинг учун 2022 йилда 38,5 минг гектар шоли майдони эҳтиёжманд аҳолига тарқатилиб, шолини қўчат усулида экиш йўлга қўйилди.

Сўнгги йилларда юртимизда аҳолини арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлаш соҳасида инқилобий ўзгаришлар олиб борилди. Минг-минглаб оилалар ўз уйларига эга бўлди. Қорақалпоғистонда 2022 йилнинг ўзида 2 минг 120 квартираларни қўп қаватли уйлар ва 500 та якка тартибдаги уй-жой қурилади. Аҳолига янада қўлайлик яратиш мақсадида эҳтиёжманд оилаларга 740 та квартира ва 500 та якка тартибдаги уй-жойни ипотека кредити асосида харид қилиш учун давлат ҳисобидан 44,5 млрд. сўм субсидия берилади.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари мамлакатимиз қишлоқлари ҳамда маҳаллаларининг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди, аҳолисига шаҳардагидек қўлайликларни яратиб берди. Қорақалпоғистонда ҳам бу йил “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 34 та қишлоқ, овул ҳамда маҳаллани обод қилиш бўйича 255 млрд. сўмлик қурилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилляпти. Бунинг ҳисобида 25 мингга оиланинг яшаш шароити тубдан яхшиланади.

Жойларга чиқиб ўрганилганда шароити оғир овуллар сони кўпلىган аниқланди. Шу боис аввал қабул қилинган “Обод қишлоқ” дастурига қўшимча равишда яна 12 та овулни обод қилиш учун 50 млрд. сўм ажратилади. Шаҳар ва туманлар марказий кўчаларини ободонлаштириш учун Давлат дастури доирасида ажратилган 68 млрд. сўмга қўшимча равишда шароити оғир туманлар учун яна 35 млрд. сўм йўналтирилади.

Таълим сифатини яхшилаш кўп жиҳат-

ларининг малакасини ошириш “Узлуқсиз касбий таълим” платформаси орқали онлайн тизимда уудланди.

Президент Шавкат Мирзиёев сайловолди учрашувида берган тақлим асосида Қорақалпоғистонда февраль ойидан бошлаб барча мактабларнинг 139 минг нафар бошланғич синф ўқувчисини бепул овқатлантириш йўлга қўйилди. 2022 йилда бунинг учун бюджетдан 100 млрд. сўм ажратилди.

Тиббиёт соҳасига жорий йилда бюджетдан 1 трлн. 276 млрд. сўм маблағ йўналтирилади. Бу 2016 йилдагига нисбатан 4,5 баравар кўп. 2022 йилда тиббиёт муассасалари 14 млн. долларлик 2,5 мингга асбоб-ускуна билан таъминланади. Масалан, Кўнгирут, Тўртқўл, Чимбой туманлари шифохоналари компьютер томограф, ультратовуш диагностикаси ускунаси, рақамли рентген, Нўкус шошилин тиббиёт маркази ангиограф, Чимбой, Беруний, Кўнгирут ва Кегейли туманлари перинатал марказлари наркоз аппарати ва бошқалар билан жиҳозланади.

Яроқсиз ҳолга келиб қолган эски тиббиёт муассасалари янгиланади. Жумладан, Нўкусдаги 235 ўринга мўлжалланган болалар кўп тармоқли шифохонаси эскирган ва қуввати ҳам етарли эмас. Шу боис Нўкус



шаҳрида 250 ўринли болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази қуриладиган бўлди.

Касалликни даволашдан кўра олдини олган афзал. Шунинг учун бу масалага алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, 2022 йилдан бошлаб, юрак-қон томир ва эндокрин касалликларини эрта аниқлаш учун 40 ёшдан ошган 540 мингдан зиёд аҳоли скринингдан ўтказилади. Хозирда 16 та иктисослаштирилган марказ мутахассисла-

ристоннинг ялпи ҳудудий махсулот ҳажмини 1,5, саноат махсулотлари ишлаб чиқаришни 1,5, қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштиришни 1,2, хизматлар кўрсатиш даражасини 2,9, қурилиш ишлари ҳажмини 1,4 бараварга оширишдек эзгу максдлар қўйилган.

Шунингдек, ҳужжат билан Қорақалпоғистон Республикасидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича истикболли лойиҳаларнинг манзилли рўйҳати, ҳудуд, шаҳар ҳамда туманларининг “ўсиш нукталари” ва етакчи тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектиларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича комплекс тадбирлар режалари ҳам белгиланган.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан янги Ўзбекистонда янги Қорақалпоғистонни бунёд этиш йўлида олиб борилаётган ислохотлар натижасида ялпи ҳудудий махсулот ҳажми кескин ошми, минг-минглаб янги иш ўринлари яратилди. Халқнинг турмуш даражаси кескин кўтарилди. Аҳолини ичимлик суви, электр энергияси ва газ билан таъминлаш даражасида туб ижобий ўзгаришлар юз берди. Шундай бир пайтда Қорақалпоғистон Республикасида сидир



этилган ноҳуш воқеалар халқимиз қалбини чўқур ларзага солди. Четда турган айрим ғаразли кучлар қорақалпоқ элини нотўғри йўлларга бошлашга уринмокда. Лекин ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ташки кучларнинг найрангига учмасдан, янада жипслашиб, бир мушт бўлиб, иноқликда олдинга интилишига ишонамиз. Чўнки бизнинг қонимиз, жонимиз бир. Биз бир бўлсак, ўртамызга ҳеч ким низо сололмайди. Ҳали ҳаммаси олдинда. Белгиланган марралар, режалар тўлақонли амалга оширилгандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси юртимизнинг энг чиройли, обод, ҳамма ҳавас қилиб, талпинадиган ҳудудига айланади. Бунинг учун, энг аввало, тинчлигимиз ва аҳиллигимизни, барқарорликни кўз қорачигдек асраб-авайлашимиз керак.



тараққиётини янги босқичга олиб чиқади, халқнинг турмуш даражаси кескин ошиши учун пухта асос яратади.

Жорий йилнинг апрель ойида Вазирлар Маҳкамасининг “2022 — 2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, яқин беш йилда Қорақалпо-

Қорақалпоқ халқи яхши биладики, фақатгина тинчлик мустаҳкам қарор толган юрдагина иқтисодий тараққиётга эришиш, халқнинг турмуш даражасини ошириш мумкин. Яқин ўтмишда Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон каби қўшни давлатларда юз берган тартибсизлик ва урушлар туфайли қанча бегуноҳ аҳоли ҳалок бўлиб, фарзандлар етим қолди. Шаҳар, қишлоқ, завод ва фабрикалар вайронага айланди. Аҳолининг егани овқати топилмаган даврлар ҳам бўлди. Уруш ва нотинчлик пайтларида бу давлатлар иқтисодиётида йилга 20 — 30 фоизгача иқтисодий пасайиш қузалди.

Экспертлар ҳисоб-китобларига кўра, жорий йилнинг январь ойида Қозоғистонда юз берган тартибсизликлар мазкур давлатнинг иқтисодиётига энг камида 2-3 миллиард долларлик зарар етказди. Айни пайтда давом этаётган Россия — Украина моҳароси ва шунга боғлиқ равишда Россия Федерациясига нисбатан бир қатор давлатлар томонидан жорий этилган санкциялар эса бутун жаҳон иқтисодиётига ойига ўнлаб миллиард долларлик зарар етказмокда.

Нўкусда юз берган тартибсизликлар ҳам Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон иқтисодиётига юзлаб миллиард сўмлик зарар етказди, 18 нафар одам ҳалок бўлди, қанча киши жароҳат олди, қатор бино ва объектлар вайрон бўлди. Агар шу ноҳуш воқеалар юз бермагандда ана шу маблағлар ҳисобига Қорақалпоғистонда қанча мактаб ва бочалар қуриш мумкин эди.

Қорақалпоғистонда юз берган тартибсизликлар бир гуруҳ фитначилар томонидан амалга оширилди. Кенг халқ оммаси бунга қўшилмади, уни қўллаб-қувватламади. Чўнки қардош қорақалпоқ халқи бир кўн жанжал бўлган жойдан қирқ кўн барака кетишини, янги Қорақалпоғистонни барпо қилиш бўйича юқорида баён этилган чора ва тадбирларимиз тўхтаб қолиши мумкинлигини яхши билади.

Қолаверса, улар ўзининг келажаги Ўзбекистон, ўзбек халқи билан биргаликда бўлишини хоҳлайди, янги Қорақалпоғистонни ҳаммамиз биргаликда барпо этаётганлигимизни қўриб турибди. Янги Қорақалпоғистонни бунёд қилиш учун фитналарга учмаслик, қора ниятли кимсалар ижтимоий тармоқларда тарқатаётган ёлғон хабарларга ишонмаслик кераклигини ҳам донишманд қорақалпоқ халқи жуда яхши тушунади.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг янги Ўзбекистон билан биргаликда янги Қорақалпоғистонни барпо этишдек эзгу ва улуг йўлига ҳеч кимса рахна сола олмайди!

Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
иқтисодий фанлари доктори,
профессор.

Конституциявий қонун лойиҳасининг моҳияти тушунтирилди

1 Ушбу моддада ҳар бир шахс адвокат ёрдамидан ўз танловига кўра ҳамда жиноят процессининг ҳар қандай босқичида фойдаланиш, шахс ушлаб турилганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилаётгани аини мўддадир.

Шунингдек, қонун лойиҳасида давлатда қўлай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳит, ҳалол рақобатни ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитларни таъминлаш, иқтисодий фаолиятда монополлаштиришга йўл қўймаслик, тад-

биркорларнинг қонунчилиқда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш, чекланмаган миқдорда даромад олиш ҳуқуқи белгиланмокда.

Тадбирда қонун лойиҳасига қиритилаётган ушбу нормалар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиш, шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш ва мамлакат тараққиётига хизмат қилиши қайд этилди.

Сўзга чиққанлар янги нормаларнинг қиритилиши халқларвар давлат барпо этилишида асосий омил бўлиши тўғрисида сўз юритдилар.

«Халқ сўзи».

Қадрли улуғ, саовби бисёр айём

1 Айтиш керакки, байрамнинг кўтаринки руҳда, юқори савияда ўтказилишида Президентимизнинг жорий йил 1 июль куни қабул қилинган “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжатга кўра, қўтлуғ айёмни жойларда миллий анъана ва урф-одатларимизга мос равишда ўтказиш, айнқиса, аҳоли ўртасида ушбу маросим моҳиятида муҳассам бўлган юксак инсоний фазилатларни қадрлашдек эзгу гоёларни тарғиб этишга жиддий эътибор қаратилади.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анху дан ривоят қилинади: “Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: “Ҳеч бир кун ва унда қилинган бирор-та амал Аллоҳнинг наздида Зулҳижжа ойининг ўн кунида қилингандан буюроққ ва Унга махбуброқ эмас. Бас, бу кунларда таҳлил, тасбеҳ, тақбир ва таҳмидни кўп айтинг” (Имом Байҳақий ривояти).

Табриқда таъкидланганидек, Аллоҳ таоло томонидан азиз ва мукаррам қилиб яратилган инсонни, унинг шаъни, қадр-қиммати ва ҳурматини улуглаш каби муқаддас тушунчаларни ўзида акс эттирган ушбу байрам юртимизда инсон қадрини юксалтириш, халқимизни ҳаётдан рози қилиш борасида олиб бораётган кенг қўламли ислохотларнинг маъно-мазмунига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳанг экани билан ҳам айнқиса эътиборлидир.

Шу маънода, ушбу айём кунларида имкони етган кишилар қурбонлик қилиб, оила аъзоларини, яқинларини, қариндош-уруғларини, қўшинларини, айнқиса, имконияти чекланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд инсонларни хушнуд этгани аини мўддаа бўлди. Бинобарин, Аллоҳ таоло Қурбон ҳайити куни бизни ҳайит намозини ўқишга, қурби етган кишиларни эса қурбонлик қилишга буюрган. Қуръон қаримда бу ҳақда бундай баён қилинган: “Бас, Раббингиз учун намоз ўқинг ва (жонлик) сўйиб қурбонлик қилинг!” (Кавсар сураси, 2-оят).

Қурбонлик — саовби улуг ибодат. Иброҳим алайҳиссалом давидан бери ҳар йили бутун ислом оламида ушбу ибодат кенг нишонлаб келинади. Набий алайҳиссалом: “Кимки хур-

сандчилик билан саовб умидида қурбонлик қилса, қурбонлик учун дўздан парда бўлади” (Имом Табароний ривояти), деб марҳамат қилганлар.

Қурбонлик диний ибодат бўлиши билан бирга, унинг ахлоқий-ижтимоий аҳамияти ҳам беқиёсдир. Қурбонлик туфайли динимизда ўзаро ижтимоий ёрдамнинг, қўмақнинг аҳамияти яққол намоён бўлади. Эҳтиёжманд оилаларга қурбонлик гўштилари тарқатилиши баробарида кўнгли ўқисик, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олинади. Уларга байрам совғалари, ҳадялар улашлилади.

Салама ибн Акъаъ розияллоху анху дан ривоят қилинади: “Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам: “Ким қурбонлик қилса, учинчи кундан кейин уйидан ундан бирор нарсас бўлган ҳолида тонг оттирмасин”, дедилар. Келаси йили бўлганда: “Эй Аллоҳнинг Расули, утган йили қилганимиздек қилайликми?” дейилди. У зот: “Енглар! Таомлантинглар! Сақлаб қўйинглар! У йили одамлар қийинчиликда эдилар. Уларга ёрдам беришингизни хоҳлаган эдим”, дедилар” (Имом Бухорий ривояти).

Уламоларимиз ушбу ҳадиси шарифга асосланиб, одатий ҳолатларда қурбонликнинг гўштини унга бўлиб, бир қисмини ўзи ейиши, иккинчи қисмини камбағалларга бериши, учинчи қисмини сақлаб қўйиш яхши, дейдилар. Муҳтожлар кўпайганда эса уларнинг риоясини қилиш зарур.

Қурбон ҳайити кунларида юртдошларимизнинг саовб ишларни қўпайтириши, тақбири ташриқ айтиши, нафл ибодат қилиши, покланиши, чиройли кийимлар кийиши, хушбўйиланиши, яқинларига ҳадялар улашиши аини саовбли ишлардан бўлди.

Аллоҳим халқимизни, жонажон Ватанимизни офат қулфатлардан, баюю қазолардан Ўз паноҳида сақлаб, ҳаётимизни бундан-да фаровон қилсин. Келаси йил ва кўп йиллар ушбу айёмга барчамиз бағрибутунликда етиб юрайлик, омин!

Раҳматуллоҳ Сайфуддинов,
Тошкент шаҳар
бош имом-хатиби.

Ёш кулол ойига минг доллар маош оляпти

Риштон туманида ташкил этилган “Мингбоши керамик” кластери кулолчилик анъаналарини ривожлантириш, уста кулоллар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратмокда.

Интилиш



“Ҳунари бор — элда азиз”, деганларидек, касби ортидан эъзоз топиб, меҳнатига яраша рағбат олаётган маҳоратли ва зукко ёшлардан бири — Тавакқал Усмоналиев. У аини пайтда бир ойида минг доллар миқдорда маош оляпти.

— Бундай имконият туфайли яратаетган кулолчилик махсулотларимиз сифати, салмоғи ва тури ҳам кескин ортди, — дейди ёш кулол. — Ҳунармандчилик шунчаки қўл меҳнати эмас, бу ишда юксак дўд, қомусий билим, меҳр керак. Шу боис ҳар бир ишга ижодий ёндашиб, махсулотла-

римизда бетакрор табиат манзаралари, Фарғона водийсининг тарихий-маданий ёдгориликларини акс эттиришга ҳаракат қиламан.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунда кулолчилик кластерида тайёрланаётган ранг-баранг махсулотлар Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия Федерациясига экспортга чиқариляпти. Яқин орада корхона махсулотлари Туркия, Италия, Буюк Британия каби давлатларга экспорт қилиниш арафасида.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).



«Санъаткор-таксичи»ми ё чайқовчи?

...Тошкент шаҳридаги Қўйлиқ деҳқон бозори ёнида такси тўхтатдим. Нарҳини келишиб, йўлга равона бўлувдлик ҳамки, ҳайдовчининг "гап халтаси очилди":

— Узим санъаткорман, лоф бўлмасин тўйларда кўлма-қўлман. Тўйга айтишса, хизмат ҳақини долларда тўлайсиз дейман. Қўриб турганингиздек, бўш вақтимда киракашлик ҳам қиламан. Биласиз, ҳозир нима қиммат — шакар қиммат. Яқинда 3-4 тонна шакарни 19 минг сўмдан ўтказиб, мўмаггина даромад топдим. Каловини топса, қор ҳам ёнади, ака...

— Шакар савдо дўконларида 10 — 12 минг сўмдан сотилапти-ку, дейман унинг фикрига эътироз билдириб.

— Эй, содда одам экансиз, қўлдан берганга қуш тўймайди, навбатда туриб, олинган 2 кило шакар нимага ярайди. Ахир ҳозир "консерва" қиладиган мавсум-ку! Бундан фойдаланиб қолдим-да!

Эътибор бермаган эканман, такси орқа ўриндиғида бир аёл ўтирган экан. У "санъаткор-чайқовчи-таксичи"нинг гапларини эшитиб, "Болам, тўхтат машинани", деди.

— Ахир сиз Юнусободгача бормоқчи эдингиз-ку!

— Халқ нонини туя қиладиган сендек чайқовчининг машинасига минишга ҳазар қиламан!..

Сездим, ҳайдовчи дув қизариб кетди. Аммо аёлга лом-мим дея олмади. Чунки у кучли зарбадан эсанкираб қолган боксчи каби мадорсиз ва чорасиз эди.

У менга наҳот кўзлари билан термулди, кейин тилга кирди:

— Акажон, мен шакарга бор-йўғи 1000 сўм қўйиб сотдим, тирикчилик-да, — деди.

— 10 минг сўмлик шакар сиз каби 9 та қўлдан ўтиб 19 минг сўмга айланган ва шу 9 та "қўл" халқнинг 36 миллион сўм ҳақини "туя" қилган-ку! Тагин ўзингизни оқламоқчи бўласиз-а! Шундай иш қила туриб, яна шу халқ орасида бош кўтариб юргангизга ҳайронман...

Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатимизда шакарнинг йиллик эҳтиёжи 600 минг тоннага тенг. Ўртимиздаги шакар заводларида эса йилга 750 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистонда шакар тақчиллиги кузатилаётгани ва йил охиригача ички бозорни шакар билан тўлдириш учун барча захиралар мавжуд. Шу билан бирга, шакар ва унинг учун хомашё импорти ҳажми ўтган йилги 643 минг тоннадан 900 минг

тоннага ошади. Натижада йил якунига қадар ишлаб чиқарилган ва импорт қилинадиган тайёр шакар қолдиги 118 минг тоннага етади.

«Шакарниям ози ширин...»

Ҳа, халқимиз топиб айтган бу гапни. Чунки бу маҳсулотни кўп истеъмол қилиб бўлмайди. Жилла курси, бир кунда 1 қошқ шакар истеъмоли кифоя. Пишиқчилик вақтида қишга асрашга "консерва" ёпиш учун 5 — 10 кило шакарга эҳтиёж пайдо бўлиши мумкин. Ҳар йили мева-чева айни пишган пайтда шакар нархи

учун пештахта остида яшириб, баландроқ нархда пуллаётган бўлиши мумкин, деган хулосага келасиз-да...

Бозор бу — жамиятнинг тарозиси. Бу тарози бузуқ бўлиши мумкин эмас. Агар у ҳақоний ишлаб турса, ҳар қайси маҳсулот ҳақиқий баҳосида сотилади. Маҳсулот кўп бўлса арзон, кам бўлса қимматроқ пулланади. Эндиликда бозорларимизда тақчил молни кўтара сотиб олиб, қимматига пуллаб, тақчиллиқни юзга келтираётган чайқовчилар ўзи қиладиган хатосини тушуниб етиши керак. Ахир халқни алдаб бозорнинг "бузуқ тарозиси"га айланиб ҳеч қим обрў-эътибор топгани йўқ.



БОЗОР, НАРХ, ИНСОФ ВА БАРАКА...

бир оз кўтарилади. Бу табиий ҳол. Ундайм мўмай пул илинжида шакарни кўтара сотиб олиб, қимматига пуллайдиган "чаққон"лар сунъий нарх ошишига "хисса" қўшади.

Бу йил ҳам шундай "чаққон"лар анча-мунча тер тўкишди. Қўлдан-қўлга ўта-вериб, шакар нархи осмонга чиқиб кетди. Бозорлардаги тадбиркорлар қимматга олиб қўйган шакарни арзон сота олишмайди-ку! Шундай чайқовчилар касрига шакар нархи Тошкент шаҳридаги савдо мажмуаларида 17-18 минг сўмга кўтарилган.

...Чорсу деҳқон бозорида қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлиб қолдик. Сотувчилардан шакар қаерда сотилётганини сўраган эдик, улар пастдаги бир савдо растасини кўрсатишди. Бориб қарасак, у ерда шакар йўқ.

— Нима излаяпсиз, ака? — деди сотувчи менга.

— Шакар керак эди...

— Шакар бор, килоси 18 минг сўмдан, қанча керак?

— Қани кўринмаяпти-ку? — дедим сотувчига. У шакар пештахта ортида эканига ишора қилди. Нега у бу маҳсулотни яшириб пуллаётганига ҳайрон бўлидим. Балки шакар нархи арзонроқ сотиш белгилангандир, сотувчи қимматроқ олгани

"Қобуснома"да авлодларга шундай панду насихатлар бор: *"Эй фарзанд! Оз фойдага қаноат қилгил! Харидорни кўп қаттиқ туриб ва оғир баҳо билан ўзингдан қочирмагил, токи шу ҳунаринг билан ризқинг зиёда бўлсин. Халқ сенинг олдинга бир нарсга олиш учун келса, жонимсан, дўстимсан, биродаримсан, деб қарши олгил. Аммо тўғри сўзлагил, бахил бўлмагил, фойдани яхши сарф қилгил. Савдода кўп қаттиқ бўлмагил, ёлгондан оғт ичмагил ва одамлар билан қаттиқ муомалада бўлмагил. Пок дил бўлгил..."*

Кўряпсизми, савдо бу кўпнинг ризқи. Кўпнинг ризқи сизнинг қўлингиздан ўтапти, бу — шараф. Аслида, савдогарлар ҳалол ризқ топиш учун узоқ жойдан мол олиб келиб, танқисликка барҳам беришган. Шунинг учун ҳам Шарқда савдогарлар (олибсотар ва чайқовчилар эмас!) обрў-эътиборли инсонлар саналган.

Деҳқон бозори деҳқон учунми ё олибсотар учунми?

Халқимизда ўзганинг ҳақиқа ҳиёнат қилмаслик, савдода ҳалоллик меъзоларини бузмаслик ва энг муҳими, истеъмолчи-

лар манфаатлари олий қадрият сифатида эъозланиб келинган. Бироқ бозорларимизда шундай муаммолар борки, маъмурият бундан кўз юммоқда ёки ўзибўларчилик, манманлик каби иллатлар ортидан халқ манфаатларига жиддий зарар етказётган ҳолатлар, гарчи кам бўлса-да, ҳамон учраб турибди.

Қашқадарё вилоятининг Касби тумани бозорида галати воқеа рўй берди. Гап шундаки, ёш тадбиркор Самандар Оқилов ўзининг юк автомобилда қўшни вилоятлардан картошка олиб келиб, Касби деҳқон бозорида сота бошлайди. Яъни у картошкани (ўша вақтдаги нарх) 1 минг

сўмдан олиб, 1,5 мингдан пуллайди. Ваҳоланки, бозорда картошка 3 минг сўмга қиққан эди. Табиийки, арзон картошка келгач, бозорчиларнинг савдоси касод бўлди. Улар бозорқўмга шикоят қилишади.

Шунда бозорқўм Самандар Оқиловага "Чиқиб кет" деб дўк-пўпаса қилади. Бозорчилар унинг автомобиллини куч ишлатиб, бозор ташқарисига чиқариб ташлайди.

— Мен картошкани 1 минг сўмдан олиб, 1,5 минг сўмга сотаётгандим. Биласизми, бунинг ортидан ҳам харидорлар дуо-сини олаётган, ҳам кунига 1 тонна маҳсулот пуллаб, даромад топаётган эдим. Бозорда ўтирганлар эса картошкани 1-1,5 минг сўм атрофида олиб, 3-3,5 минг сўмдан сотар, кунига 40 — 50 минг сўм атрофида фойда кўраётган эди, — дейди С. Оқилов.

— Билишимча, мен уларнинг савдосини касодга учратган бўлиб чиқдим. Бозорқўм ҳам бозорчилардан манфаатдор бўлгани учун арзон картошка сотилишига йўл қўймади.

Тадбиркор ўша пайтдаги Касби тумани ҳокими Нормўмин Холбоев (ҳозирда Қарши шаҳар ҳокими) тадбиркорни қўллаб-қувватлаб, бозорда арзон картошка сотишига йўл очиб берганини мамнуният билан эслайди.

Қиссадан хисса шуки, бугун ҳам баъзи бозорларимизда бу каби ҳолатлар учираётганига ҳеч қим кафолат бера олмайди. Бозор рақобатдан қўч олади, рақобат эса ҳалол ва покиза бўлиши керак. Агар ҳалол савдога бозорқўм аралашса, инсофсиз рақобат вужудга келади. Шунинг учун ҳам баъзи харидорлар ҳали тонг оқармасдан бозорга боришади ва маҳсулотни "биринчи қўл"дан арзон-гаров олишади. "Иккинчи қўлга", борингки, "тўртинчи қўлга" ўтган, маҳсулот икки баравар қимматлашади. Ҳақиқий баҳо ўрнини сунъий баҳо эгаллайди.

Айтишларича, айнан шу олибсотарлар

Қолаверса, аҳоли турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари ҳақида ҳолис тасаввур, аввало, бозорларда шаклланишини унутмасак бўлгани...

Катта фойдани кўзлаб нархни ошириш — хиёнат

Ҳар гал Тошкентдан Қарши томон йўлга чиқганимда машҳур Самарқанд ноҳидан харид қилишни қанда қилмайман. Нон бозорига яқинлашганимиздаёқ табарруқ неъматнинг хушбўй ҳидидан дилимиз ёришиб кетади. Қўп-қизил, усти ялтираб турган, бири-биридан чиройли, седана сепилган нонларнинг қай бирини харид қилишни билмай шошиб қоласиз.

— Опажон, бу нонлар ҳақиқий мўъжизанинг ўзи-ку, — дейман сотувчига қарата.

— Олти минг сўмга битта нон олсангиз уч киши тўйди, — дейди Самарқанд тумани "Қўштамғали" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Дилбар Йўлдошева. — Шу ноннинг зуваласи 800 грамм, пишгандан сўнг 780 грамм қиқади. Ишонмасангиз, тарозиди тортиб кўринг.

Ноннинг 2 тасини тарозига қўямиз ва Дилбар опанинг ҳақлигига амин бўламиз. Нонлар роппа-роса 1 килограмм 560 грамм қиқади. Самарқанд нони арзон сотилаётганининг сири ҳақида сўрайман.

— Нон — азиз неъмат, ундан катта фойда кўзлаб, нархини ошириб сотиш нонга нисбатан хиёнат бўлади, — дейди Д. Йўлдошева. — Узим ўттиз йилдан буён шу ерда нон сотаман. Онамнинг оналари ҳам нон пишириб, элга ризқ унашган. Шу-шу биз граммидан ҳам, нардидан ҳам урмаймиз. Шундан бўлса керак, рўзгоримиз тўқин, турмушимиз фаровон.

Дилбар Йўлдошеванинг айтишига кўра, бу ерда нон сотувчиларнинг ҳаммаси шу қондага амал қилишади...

Бозор — юрт кўрки, тўқинчилик кўрғазмаси, деб бежиз айтилмайди. Шу маънода, халқимизда қай бир юрт фаровонлигини кўрмоқчи бўлсанг, бозорига бор, деган нақл юради. Бугун юртимиз бозорларидаги тўқинлик ва ранг-барангликни кўриб, бахридлигингиз очилади ва беихтиёр бу ободликка, фаровонлигимизга кўз тегмасин, дейсиз. Бинобарин, бозорларимиз янада арзон бўлиб, сархил мева-чева, полиз ва сабзавот маҳсулотлари ўзининг ҳақиқий баҳосида сотилиши учун чайқовчи ва олибсотарларга имконият қолдирмаслигини зарур ва шарт. Бу борада мамлакатимизда яхши бир ташаббус илгари сурилмоқда. Айни вақтда пойтахт бозорларида фермер ва деҳқонларнинг етиштирган маҳсулотини ўзлари сотиш тизими жорий этилмоқда. Уларга қулайлик ҳамда имтиёзлар яратилаётир. Албатта, бу бозорларда инсоф сари барака тамойилини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, бу савй-ҳаракатлар бозорларимизда йил бўйи тўқинлик, нарх-наво меъёрида бўлишига, пировардиди аҳолининг турмуши янада юксалишига хизмат қилади.

Фохриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

Имконият

100 НАФАР ХОТИН-ҚИЗ ТАДБИРКОР БЎЛДИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида 100 нафар аёл касб-ҳунар йўналишлари бўйича ўқув курсларини тамомлаб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди.

Уларга тегишли касб эгаси эканлигини тасдиқловчи гувоҳнома (сертификат)ни топишриш тадбирида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова, маҳаллий ҳокимлик раҳбарлари, тегишли ташкилот ва муассасалар мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари қатнашди. Ўқув курсларини битирган хотин-қизларга замонавий тикув машиналари ҳам тақдим этилди.

— Опа-сингилларимиз бундай имкониятдан нихоятда мамнун, — дейди Зулайхо Маҳкамова. — Улар энди ўз маҳалла гузариди ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиб, оиласи иқтисодини мустаҳкамлаш билан бирга ён-атрофидаги ишсиз аёлларда ҳам ҳунарли бўлишга имтиёз уйғотди.

Тадбирда зардўзлик, каштачилик, тикувчилик, дизайнлик соҳаларида моҳир усталарни тарбиялаш, "Устоз — шогирд" анъанасини давом эттириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ўзбек аёли шаънига тўғри келмайдиган ҳолат — ёлланма меҳнат тўфайли хорижга чиқиб кетган хотин-қизларни ўз оиласига, маҳалласига қайтариш, улар қалбида Ватанни эъозлаб, қадр-қимматини азиз билиб яшаш тўғрисида шакллантириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, тадбирда хотин-қизларнинг оилада турли таъзияк ва ўравонликларга учрашининг ҳамда улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишлар қўламини янада кенгайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Шодиёр МУТАХАРОВ («Халқ сўзи»).

ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ТАҲДИДЛАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Бугунги илм-фан, технология тараққиёти даврида дунё манзараси тубдан ўзгариб кетди. Бу ўзгаришлар натижасида бир қатор долзарб, таъсир доираси бутун дунёни қамраб олган, инсониятнинг келажақдаги ижтимоий тараққиётини белгилаб берадиган муаммолар вужудга келмоқда.

Иқлим ўзгариши ана шундай кенг тарқалаётган глобал муаммолардан бири бўлиб, бунинг натижасида яна бир қанча ўткир муаммолар, жумладан, озиқ-овқат инқирози вужудга келаётир. Айниқса, кейинги йилларда сайёрамиз бўйлаб глобал иссиқ, кучли шамол, қурғоқчилик, сув тошқинлари ва ёнғинлар янада кўпроқ содир бўла бошлади, музликлар эриши кучайди. Бу каби иқлим ўзгаришлари бир қатор салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Хусусан, ҳарорат кўтарилиши натижасида сувнинг буғланиш коэффициенти ошиши ҳудудларда сув ресурслари камийишига, танқислигига таъсир этмоқда. Экологик танглик оқибатида йил давомида умуман ёнғинларчилик бўлмаган кунлар сони кўпаймоқда. Тупроқнинг намлиги камайиши ҳисобига такрорий қурғоқчилик хавфи ортаётир ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари тушиб кетмоқда. Атмосфера ҳавосида катта майдонларда чанг ва ғубор ортомоқда. Иссиқ ва совшиқ каби аномал ҳодисаларнинг ўзгариши қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ва мева-ларнинг нобуд бўлишига олиб келяпти.

Бундан ташқари, яқин йилларда жаҳон ҳамжамияти унчалик аҳамият бермаган озиқ-овқат инқирози деярли барча давлатларни жиддий ташвишга солаётгани айтиш ҳақиқат. Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўта даражада ошишини аналитикчи янги атама — ағрляция (аграр инфляция) бутун дунё мамлакатлари "пуфати"дан муҳим жой олиб улгурди. Ҳолбуки, XX асрнинг охирига келиб дунёнинг мақатгина ўттизга яқин ривожланган мамлакатлари учун аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлашга эришиш муаммоси ўз долзарблигини йўқотган эди.

Айни пайтда дунёнинг деярли барча давлатлари учун бу муаммо энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, 2020 йилда бошланган корона-

вирус пандемияси инқирози ва уни бартараф этиш шароитида бу масала яна кун тартибига қикди. Ҳисоботларда озиқ-овқат инқирози ва очарчилик муаммосининг келиб чиқишида бир қанча сабаблар қаторида иқлим ўзгариши ва табиат ҳодисалари ҳам қайд этилмоқда.

Хусусан, БМТ маълумотларига кўра, Ер юзи аҳолиси сони "геометрик прогрессия" бўйича ортиб бормоқда, афсуски, уларнинг эҳтиёжи "арифметик прогрессия" бўйича қондирилмоқда.

Ҳозирда жаҳон аҳолисининг 815 миллион нафари оқ қолаётган бўлса, 2050 йилга бориб бу рақам 2 миллиард кишига етиши тахмин қилинаётир. Айни чоғда, уларнинг 12,9 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди.

Шу ўринда, дунёда рўй бераётган озиқ-овқат инқирозининг қуйидаги сабабларини айтиб ўтиш жоиз. Биринчидан, сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг харажатлари ошди. Бу борада қишлоқ ҳўжалиги техникаларининг асосий ёнилғиси ҳисобланган бензин ва дизел нархлари ўсди, ўз навбатида, транспорт тариқлари ошди, асосий минерал ўғитларнинг нархлари ҳам қимматлашди.

Иккинчидан, бутун дунё бўйича озиқ-овқатга бўлган талаб ҳажмида ва таркибида глобал силжишлар рўй берди. Масалан, ўтган асрнинг 60-йилларида буён Хиндистон, Миср, Нигерия, Бангладеш каби давлатларнинг аҳоли сони тахминан уч баробар ошган бўлса-да, экин майдонлари ўзгармай қолди. Бундай ҳолат дунёнинг бошқа ҳудудларида ҳам рўй бермоқда. Шунингдек, охириги 15 — 20 йилда аҳолининг озиқ-овқат истеъмоли рақсониди ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Айрим ривожланаётган мамлакатларда, жумладан, Хитой ва Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларида аҳоли ўштин кўпроқ истеъмол қила бошлади.

Учинчидан, биоёнилги бозорининг тез

суръатлар билан ривожланиши доннинг нархи ошишига қўшимча сабаб бўлаётир. Ривожланган давлатларнинг ўсимлик манбаларига асосланган "экологик тоза" ёнилғини ишлаб чиқариш дастури доирасида биоёнилги (этанол) учун керак бўлган қишлоқ ҳўжалиги талабни ошириб юборди.

Ушбу сабаблардан кўриниб турибдики, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш дунё мамлакатлари олдида турган энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. БМТ мутахассислари ҳам бугун озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни тақсимлаш бўйича ёндашувни мутлақо ўзгартириш вақти келгани таъкидлашапти. Қолаверса, дунё аҳолисини етарли озиқ-овқат билан таъминлашда глобал иқлим ўзгаришлари ва аҳолининг экологияга бефарқ муносабати, озиқ-овқат истеъмолларида исрофгарчилик каби салбий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатаётир.

Шунингдек, бутун дунёда чучук сув, ўрмонлар, биологик хилма-хиллик кескин суръатларда қамайиб бормоқда, ер умдорлиги пасайиб, тупроқ деградацияси (заволи) микёсини кенгайтириб борапти. Айни вақтда дунёнинг илғор ва ривожланаётган давлатлари ўртасидаги озиқ-овқат истеъмоли бўйича кескин фарқлар юзга келмоқда. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш аста-секин ўсиб бораётган бўлса-да, бу жараён аҳоли сонининг кўпайиб боришига нисбатан бир текисда юз бераётгани йўқ. Мутахассислар иқлим ўзгаришининг олдини олиш учун бир қанча тавсиялар беришмоқда. Булар — қазиб олинмаган ёнилғидан фойдаланишни қамайтириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш; энергия самарадорлигини ошириш ва соҳаларни энергия тежовчи технологиялар билан модернизация қилиш; табиатда яшилликни қўпайтириш, ўрмон ёнғинларининг олдини олиш, даразтзорларни қўпайтириш; экологик тоза қишлоқ ҳўжалигига ўтиш; тупроқ таркибидagi органик моддаларни сақлаб қолиш (чун-

ки уларнинг йўқолиши тўғридан-тўғри "иссиқхона эффекти"га таъсир қиладиган); экологик тежамкор транспорт турларига ўтиш.

Умуман, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи нақадар долзарб эканлиги бугун ҳаммага маълум. Сайёрамиз экологик инқирозга учраб, атмосфера ифлосланиши миллиарддан ортиқ аҳоли яшайдиган минтақаларда рухсат этилган меъёрлардан ошиб бораётир. Саноят чиқиндилари ҳажми ва қишлоқ ҳўжалиги мақсадларида фойдаланишга яроқсиз ерлар майдонини кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи инсоннинг яшаб қолиши учун нихоятда муҳим масалага айланаётгани эндиликда барчага аён.

Мамлакатимиз ҳудудида атмосфера ифлосланишининг олдини олиш борасида жиддий тадбирлар қўрилаётганлиги тўғрисида қаво таркиби меъёр даражада бўлишига эришилмоқда. Аслида, атмосфера ҳавосини ифлослайдиган йирик манбалардан бири автомобиль транспорти бўлиб, уларнинг чиқинди чиқариши ёнилғи сифатига, двигателларнинг ишлаш режими ва техник ҳолатига боғлиқ.

Кейинги йилларда инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни тўғри белгилаш, табиат бойликлари ва объектларини муҳофаза қилиш, аҳолининг экологик қулай атроф-муҳитга эгаллигини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва долзарб масала бўлиб қолди. Экологик вазият бузилганлиги тўғрисида тупроқлар нурамоқда, табиат ноёб ўсим-



Нуктаи назар

лик ва ҳайвонот турларидан маҳрум бўлаётир, атмосфера ҳавоси таркибига шикаст етказилмоқда.

Ана шундай мураккаб ҳолатдан чиқиш, инсон, жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларни қозолоцион ҳолатда ривожлантириш замонавийнинг кескин ижтимоий-экологик масалаларидан биридир. Шунинг учун Ўзбекистон ҳукумати экологик муаммоларни мамлакатда ўтказилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг умумий жараёни билан қўшиб олиб бораётир. Хусусан, бунда:

- 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида 2030 йилга бориб, атмосфера ҳавосига ифлослантурувчи моддалар чиқарилишини 10 фоизга қамайтириш;
- транспорт воситаларининг 80 фоизини газ-баллон ёнилғиси ва электр энергиясида ишлашга ўтказиш;
- республика ҳудудида атмосфера ҳавосини ифлосланганини автоматик тарзда ўлчайдиган постлар тизимини яратиш;
- амалдаги ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантурувчи стационар манбаларида самарадорлиги 95 фоиздан паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмаларни қўллаш масалалари илгари сурилган.

Ҳазмат АМИНОВ, Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, техника фанлари бўйича фалсафа доктори.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 563 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловчи 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳажватдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Тошпиридди — 23.40

1 2 3 4 5 6